**Сикилган табиий газ етказиб бериш буйича**
**№ М-72- сонли ШАРТНОМА**

«31» 01 2022 й. Урганч шахар

«Хоразм идеал газ» МЧЖ номидан раис У.Хайитов Низомга асосан иш юритувчи, бундан буён «Таъминловчи» деб аталувчи бир томондан, Хазорасп сувлари йироҳлари ... номидан бошкарувчи коллегия И. Атаев га асосида юритувчи, бундан буён «Истеъмолчи» деб аталувчи бошка томондан биргаликда «Таъминловчи» ва «Истеъмолчи» деб аталувчилар куйидагилар хакида шартнома тузидилар:

## 1. ШАРТНОМА ШАРТИ

1.1 Шартнома «Истеъмолчи» куйидаги хужжатларни тагдим килган такдирда тузилади.
а) автомабил давлат раками ва автомашини русуми курсатилган холда АГТКШ рахбари номига хат.
б) Автомашина техник паспорти ва Газ баллони техник синовдан утганлиги хакида далолатнома нусхалари.
1.2 Шу билан бирга «Таъминловчи» махсус ажратилган ГТК оркали автомобилларни навбатсиз кабул килиш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

«Таъминловчи» сикилган табиий газ ни автомобилларга тулдириб бериш мажбуриятини олади. «Истеъмолчи» унинг хаккини тулаш ва кабул килиш мажбуриятини олади:

| Махсулот номи | Улчов бирлиги | Йил давомида умумий | Чораклар буйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 чорак | 2 чорак | 3 чорак | 4 чорак |
| Газбаллонли автомашиналар учун сикилган табиий газ | Куб метр | 690 | 690 | — | — | — |

2.1. «Истеъмолчи»нинг автомобилларга газ тулдириб бериш, «Таъминловчи» нинг «Автомобилларга газ тулдириш компрессор станцияси» (АГТКШ) оркали амалга оширилади.
2.2 «Истеъмолчи» автомабилларга газ тулдириш санаси газ етказиб бериш санаси хисобланади.

## 3. УЗАРО ХИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ТАРТИБИ

3.1.Шартнома тузилган кундаги бир к.метр сикилган табиий газ нархи ККС ва Акциз солигини билан 2600 сум булиб, умумий тулов нархи 1794.000 (Бир миллион етти юз тўқсон тўрт минг) сум булади. Шунингдек хом ашё нархининг узгариши материаллар, ёкилги энергетик ресурсларнинг, шунингдек Узбекистон Республикаси Хукумати карорлари ва меъёрланган хужжатларнинг узгариши сабабли умумий сумма узгариши мумкин. Агар сикилган табиий газ нархи узгарса икки томон уртасида ушбу шартномага асосланган тартибда кушимча келишув тузилади.
3.2.Газни бериш «таъминловчи» нинг хисоб ракамига 30 % (фоиз) пул келиб тушганидан кейингина кайтнома асосида белгиланган тартибда амалга оширилади. Туловнинг колган 70 % счёт фактура олингандан кейин амалга оширилади.
3.3 Хисоб-китоблар банк коидалари ва жорий конунларда курсатилган формаларда амалга оширилади.

## 4. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТИ ВА ХУКУКЛАРИ

4.1 «Истеъмолчи» газ баллон билан жихозланган автомабилларнинг умумий техник холатига ва ишлашида техник хавфсизлиги шунингдек ёгин, санитария ва экологик хавфсизликга жавобгарликни уз зиммасига олади.
4.2 «Истеъмолчи» мажбурияти:
а) сикилган табиий газда ишлайдиган автомашиналарнинг техник шартига, фойдаланиш конун-коидаларига, йурикномаларга тула амал килишни уз зиммасига олади.
б) сикилган табиий газда ишлайдиган автомабилларни газ баллон ускуналарини соз холатда саклашни ва автомабил кисмларини асрашни уз зиммасига олади.
в) Газ баллон курилмасининг техник холати хакида йул варакасига ёзиб куйиш.
г) Белгиланган тартиб асосида автомабилларнинг сикилган табиий газ билан тулдириш ва ишлатишга рухсатнома олиш
4.2.1 «Истеъмолчи»нинг газ тулдириш учун АГТКШга келган транспорт воситасида куйидаги меъёрий хужжатлар булиши шарт.

б) Хайдовчи газ балонли автомобилни бошкаришга укиганлиги хакида гувохнома.
в) Автомашина техник паспортида ЙХХБ органлари томонидан газ мосламаси урнатилганлиги. тугрисидаги белги.
г) Автомашина техник паспортида техник курикдан утганлиги хакида белги.
д) Йул варакаси.
4.3 «Таъминловчи» мажбурияти:
а) автомабил газ баллон курилмаларини, назорат килувчи асбобларини ва беркитувчи мосламаларини тугри ишлашини текширади.
б) сикилган табиий газда ишлайдиган автомабил хайдовчиларига бериладиган махсус гувохномалари борлигини, рухсатнома ва йул варакасини текширади.
в) «истеъмолчи» томонидан газтулдириш шахобчаси регламенти коидалари, ущбу шартномада курсатилган коида ва шартларга амал килинмаса сикилган табиий газ берилмайди.

## 5. ГАЗ ХИСОБИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

5.1. «Истеъмолчи» га бериладиган газ хажми «Таъминловчи» нинг газ куйиш калонкасидаги улчов асбоблари буйича, (АГТКШ) оркали «Истеъмолчи»га бериладиган газ микдори жадвали билан келишилган холда «Узбекнефтгаз» МХК томонидан 28.11.95.йили тасдикланган «(АГТКШ)дан берилаётган газ микдорини улчаш, хисоб-китоб килиш РД Уз 51-034-94 услубига» асосан хамда Давлатстандарт кумитаси томонидан тасдикланган (13.01.96. йилдаги рнг № 418) ва 12.04.96. йили «Истеъмолчи»лар билан (АГТКШ) оркали берилган газ учун хисоб-китоб килиш кулланмасига асосан аникланади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартномада курсатилгандан ортикча микдорда газ олиш кушимча келишув битими тузиш оркали амалга оширилади.

6.2. «Таъминловчи» ва «Истеъмолчи» куйидаги холатларда газ бериш ва газ олишни камайтиришга масъул жавобгар эмаслар:
а) Газ ишлаб чикариш жойларида авария холатларида.
б) Ёнгин, ер кимирлаш, сув тошиш ва табиий офатлар вактида.
в) Газ, электр тармокларини таъминлаш ва улар билан боглик синовлар, шунингдек пайвандлаш ишлари олиб борилаётганда.
6.3. Ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни томонлар бажармаса ёки етарли даражада бажарилмаса низолар енг аввало узаро келишув йули билан хал килинади. Томонларнинг келишуви билан хал килиб булмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисод судга мурожат килиш йули билан хал килинади.

## 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Ушбу шартнома томонларнинг имзо чеккан кундан кучга кириб 2022 йил 31 декабргача амал килади.
7.2. Шартнома икки нусхада тузилиб биттаси «таъминловчи» да сакланади ва бир нусхаси «Истеъмолчи» да сакланади. Иккала нусха бир юридик кучга эга.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| «ТАЪМИНЛОВЧИ» | «ИСТЕЪМОЛЧИ» |
| --- | --- |
| «Хоразм идеал газ» МЧЖ<br>х/р 20208000800639754004<br>Урганч шахар Саноатчилар куча 7/7а уй<br>МФО 00401 Алока банк Урганч ш.<br>СТИР 304136088, ОКЭД 47190<br>Тел 62 22 5 22 52<br>Раис: ____________ У.Хайитов<br>М.У. | Урганч Олимпия захиралари коллежи.<br>Ал-Хоразмий кучаси 1А уй<br>х/р: 1000218603314070928600245001.<br>ИНН: 204377915 МФО: 00014<br>Банк: Марказий банк Тош ш. х.к.м.<br>Хоразм вилояти Газначилиги<br>... 918 МФО: 00014.<br>...000010<br>И. Атаев |

Юрисконсульт: [signature]